

Оилавий учрашув



16:08 / 14 август 1005

Тарбия масъулияти жуда ҳам катта иш. Буни ҳаммамиз биламиз. Аммо баъзилар бунга ҳафталаб эътибор бермайди, ҳатто йилда бирор марта оиласига эътибор бермайдиганлар бор ичимизда. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

«Аҳлингни намозга буюр. Бунга сабр билан туриб бер!», дейди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аҳлингни сенда ҳаққи бор!», деганлар.

Тарбия илми мутахассисларидан бири айтади: «Сенда камида ҳафтада бир соат оиланг билан ўтириб суҳбатлашиш йўқ экан, демак оиланг сен учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас!».

Буюк аллома Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ ҳар куни аср билан шом намози орасида оила даврасида ўтириб улар билан суҳбат ва дарс қилар эканлар.

Оила билан бирга ўтирганда оила учун муҳим масалалар кўтарилади. Биз ота-оналар ҳар ҳафта фарзандларимиз билан ўтириб уларнинг муаммоларини, фикрларини ўрганишимиз, бир-биримиздан сакинат ва хотиржамлик топишимиз, муаммоларимизга ечим қидиришимиз лозим. Фарзандлар бундан суҳбатлашиш услубини, ишонтиришни, муаммоларни ҳал қилишни, бир гуруҳ таркибида қандай ишлашни ўрганади. Бу билан

биз фарзандларимиз қалбида ишонч уруғини экамиз. Масъулиятни ҳис қилишни ўргатамиз. Қарор чиқаришда улар ҳам бизга шерик эканлигини уларга ҳис қилдирамиз!

Аввал бошда йиғилишингиз йигирма дақиқадан ошмасин. Бундан ортиғи малол келиши мумкин. Сўнгра босқичма-босқич зиёда қилиб борасиз. Учрашувда мавзу турлича бўлсин. Бирор фойдали эшиттириш тингланг ёки бирор кўрсатувни улар билан таҳлил қилинг. Фақатгина ўзингиз гапирманг. Уларга ҳам гапириш учун фурсат беринг. Турли жойларда ўтириб суҳбатлашинг. Бир куни уйда, бошқа куни табиат қўйнида, бошқа куни тоққа, бошқа куни кўл бўйида...!

Уларга учрашувдаги мавзунини икки қатор бўлса-да, ёзиб боришни ўргатинг. Бу уларга учрашувга фаол тайёргарлик кўришларини таъминлайди. Мажлисни фақатгина сиз бошқарманг. Бошлиқни ўзгартириб туринг. Уларга ҳам навбат беринг. Учрашувларда шодлик, фаоллик ва янгилик ҳукмрон бўлсин. Ҳеч ким зерикшни ҳис қилмасин. Учрашувда гаплашилган мавзуларни амалга оширишга, уларга амал қилишга ҳаракат қилинг. Фарзандларингиз ана шунда учрашувлар самарасини ҳис қилади.

Иложи бўлса мажлисда мусобақалар ўтказиб туринг. Бу уларнинг ҳимматини чархлайди, иқтидорини зиёда қилади. Мисол учун битта савол ташланг жавобини келаси мажлисда сўрашингизни айтинг.

Фурсатларни ғанимат билишимиз нақадар гўзал. Латиф тарбия йўли билан уларнинг хатоларини кўрсатиб борамиз. Эҳтимол улар ҳам бизнинг ўзимизга махфий бўлган айб ва хатоларимизни билишар. Ота-оналар фарзандларининг сўзларини унутмаслиги лозим. Учрашувда ўзаро бир-бирларига хатоларини ҳаё қилишлари керак.

Яҳё ибн Муоз роҳимахуллоҳ айтади: «Ҳақиқий дўстинг айбларингни сенга билдирган дўстингдир. Ҳақиқий дўстинг сени гуноҳлардан огоҳлантирган дўстингдир!».

Ота-она аввало ўзларидан бошлашлари матлубдир. Уларда ҳам айб бўлиши мумкин, хатолари бўлиши мумкин. Улар ҳам намозларда бепарво бўлиб қолишлари мумкин, ваъдага хилоф қилиб қолишлари мумкин, асабийлик қилишлари мумкин, фарзандларни уришлари мумкин...

Фарзандларимиз қиладиган баъзи хатолар аслида биз қилган хатолардир. Уни биздан ўрганишган. Шунинг учун уларнинг тузалишини истасак, аввало ўзимиз тузалишимиз лозим бўлади!

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август
03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.